

## ТАРИХИЙ ОБЪЕКТЛАРНИНГ ТУРИЗМ РИВОЖЛАНИШИГА ТАСИЪРИ.

**Орифжоновна Мохларой**

*Андижон давлат университети, Ижтимоий иқтисодиёт  
факультети, Туризм (фаолият йўналишлари бўйича) 1 курс талабаси*

**Аннотация:** Маколада тарихий кадамжоларнинг туризм ривожланишига таъсир курсатган омилларига тухталган. Тарихий объектлар юртимизда жуда хам куп. Туризмни ривожлантириг хақидаги илк кадамлар мустақиллик йилларидайок йулга куйилган.

**Калитсузлар:** туризм, ривожланиш, Регистон, кадамжо, масжид, хонакох, объект, стратегия, мадраса.

### Кириш:

Хозирги кунда юртимизнинг хар бир вилояти ва туманларида туризмга мос кадамжолар ва обидалар мавжуд. Факатгина бу жойларда ободонлаштириш ва ривожлантириш ишларини йулга куйиш керак. Хозирги кунда энг ривожланган ва туризм учун кулай булган объект сифатида Самарканд, Бухоро. Хоразм, Тошкент каби вилоятларимизни олишимиз мумкин.

Анча йиллардан буён иктисодиётни ривожлантиришнинг асосий, масалаларидан бири сифатида, туризмни ривожлантириш деб караб келинмокда. Айникса мамлакатимиздаги Самарканд вилоятида жойлашган Регистон майдони алохида урин эгаллайди. Регистон-кадимий илм, таълим муассасалари жойлашган булиб, шаркдаги сахар курилиши санъатининг энг кузга куринарли намуналаридан бири хисобланади ва буни тарих хам исботлаган. У хақида Темурийлар фахр билан: "Кимда-ким бизнинг куч-кудратимизга шубха килса, куриган биноларимизга боксин" деганлар.

Регистон-сузи "кумлок жой" деган маънони англатади. Регистон майдони-тарихда сахарнинг илм-фан, сиёсат ва диний маркази булиб хизмат килган. Дархакикат, Регистон майдони мутақиллик йилларидан бери энг куп туристларни узига жалб килувчи кадамжо хисобланади. Бунинг асосий сабаби эса Регистон ансамблидир. Регистон ансамбли-Самарканднинг Регистон майдонида Змадраса (Тиллакори мадрасаси, Шердор мадрасаси ва Улугбек мадрасалари)дан иборат меъморий мажмуадир. Ушбу мадрасалар ва Регистон майдони нафакат туристларни жалб килади балки узининг жозибадорлиги ва накшлари сабабли уларда кизикиш уйготади.

Регистонга куйидагича таъриф берилади: Самарканднинг юраги ва асрларнинг тош йилномаси дея тилга олиш мумкин. Бундан ташкари Регистон

майдони неча минг йиллардан бери узининг навкиронлиги ва тарихий ахамиятга эга еканлиги билан ҳам ажралиб туради. Сайкали руйи замин дея тилга олинган Самарканд диёри Темурийлар давридаёк узининг юксак чуққисига эришган. Уша давр билан боғлиқ булган Регистон майдони эса Ялангтуш Баходир номи ила тилга олинади. Регистоннинг жанубий томонида халқ орасида "Чилдухтарон" деб аталмиш масжид ва хонакохлар жойлашган эди. У масжид ва хонакохларни Кучкунчихон (1527-1530-йиллар хукмронлиги даврида) курдирган ва Тиллакори мадрасасига куш килиб бунёд еттирган эди. У 1904-йилги zilзиладан сунг харобага айланган ва 1910-йил эса бутунлай бузилган ва урни бум буш майдон булиб колган. 100 йил яни I аср давомида узининг охирги куринишини олган Регистон майдонига айланган. Бугунги кунда эса бу ерга европалик саёхлар ташриф буюради. Бунинг асоси деб олишимиз мумкинки, Самарканд шаҳри географик нуктаи назардан кулай жойда жойлашганлиги ва айнан Буюк ипак йули ҳам шу шаҳар оркали утганлиги бизга асос була олади. Регистон майдонини алохида оладигон булсак бу узининг накшинкорлиги, жимжимадорлиги ва узида акс эттира олган товланишлари билан туристларни узига жалб кила олади. Бу эса айнан Узбекистонда ҳам туризмни ривожлантириш учун етарлича асос була олади. Юртбошимизнинг Узбекистонни ривожлантиришнинг 5 та устувор юналиши буйича харакатлар стратегиясида ҳам(2017-2021)туризм соҳасига алохида тухталган .

Харакатлар стратегиясининг 3-булими 3.6 бандида яни"Иқтисодни ривожлантириш ва либераллаштириш"булимида туризм соҳасига алохида эътибор берилган. Шужумладан;

--- Туризм соҳасини ривожлантириш;

---Туризм тармоғини жадал ривожлантириш, туризм соҳасини бошқариш тизимини такомиллаштириш;

---Туризм соҳасида виза, лицензия бериш, рухсат олиш тартиб тамойилларини соддалаштириш;

---Хорижий инвеститсиялар, жаҳон брендларини фаол жалб килиш, туризм соҳасида бизнес юритмш учун кулай шарт-шароитлар яратиш;

---Янги туризм юналишларини яратиш, туризмнинг замонавий турларини ривожлантириш, ҳамда уларнинг жозибадорлигини янада ошириш хақида таъкидлаб утилган.

Бундан ташқари нафакат Регистон майдони , . балки юртимизнинг блшка вилоятларидаги яни Ичан калъа, Дишан калъа, . ота - боболаримиз курдирган жамиики ёдгорликларни туризм ривожини учун фойдалансак арзиғулик. Юртимизда факатгина ташки туризмни эмас балки ички туризм ҳам уз ахамиятгига эгадир.

**Фойдаланилган адабиётлар:**

- 1 Ш.М.Мирзиёев "Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисидаги" ПФ-2661 сонли қарори 2016-йил 2-декабр.
- 2 Poziljanov, K.G.O. Tourism Potential of Andijan region. Academic research in educational sciences,2-5, 1464-1468
- 3 Менеджмент туризма: Туризм как объект управления. Учебник Волошин Н.И., Исаева Н.В., Илина е.Н. 2004 г.